

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТИЗИМДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 февраль кунини Судьялар олий кенгаши раисининг ахбороти билан танишди.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида кенгаш раиси одил судловни амалга оширишга тўққонлиқ қилаётган омиллар ва суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якунлари бўйича ахборот тақдим этиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида коррупцияга йўл қўйиш – ислохотларга хиёнат ҳисобланиши таъкидланиб, мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш бўйича жорий йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинган эди.

Шу сабабли, судлар давлат ҳокимиятининг алоҳида бўлини сифатида “коррупциядан холи” тизимга айланишида намуна бўлиши лозим.

Суд мустақиллигини таъминлаш, судьяларни ташқи босимлардан ҳимоя қилиш учун Судьялар олий кен-

гаши бевосита масъул ҳисобланади. 2025 йилда алоҳида фармон қабул қилиниб, унга янги ваколатлар берилди. Суд тизими учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Кенгаш ҳузурида Одил судлов академияси ташкил этилди.

Судьялар олий кенгаши томонидан ўтган йилда 135 нафар номзод илк бор судьялик лавозимига, 286 нафар судья лавозимига қайта тайинланди, 241 нафардан иборат тергов судьялари корпуси шакллантирилди.

Ҳисобот даврида 59 нафар судьянинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилди, жумладан, судьялик қасамёдини бузганлиги ҳамда Судьялар одоби кодекси талабларига риоя этмаганлиги учун 19 нафар судья лавозимидан озод этилди, 3 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилди, 58 нафар судьянинг лавозимлари пусаттирилди. Судьялик ваколати муддати тугаган 33 нафар судья навбатдаги судьялик лавозимига нолойиқ деб топилди ҳамда 266 нафар судья интизомий жавобгарликка тортилди.

Ўтган йилда суд фаолиятига

аралашганлик ҳолатлари бўйича Бош прокуратурага 5 та тақдимнома киритилди. Кенгашнинг расмий веб-сайтида судья дахлсизлиги бузилганлиги юзасидан тезкор хабар юбориш имкони яратилди.

Судьялар дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш доирасида ҳудудий судлар раислари томонидан чиқарилган 6 мингдан ортиқ буйруқлар ўрганилиб, 231 та буйруқда 314 нафар судьяларга нисбатан одил судлов билан боғлиқ бўлмаган вазифалар юклатилганлиги аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар кўрилган.

Шу боис, судьяни ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод этиш мақсадида суд аппарати ходимлари билан ишлаш, моддий-техник таъминот ва барча ташкилий ишларга масъул бўладиган “суд маъмурчилиги” институтини ташкил этиш бўйича илгор хорижий тажриба ўрганилади.

Судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш борасида Судьялар интизомий ҳайъатини ташкил этиш орқали судьяга нисбатан интизомий жазо қўллашнинг ҳолис тартибини яратиш таклиф қилинди.

Судья ва уларнинг оила аъзолари мол-мулкни декларация қилишни йўлга қўйиш, суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган комплаенс назорат тизимини жорий этиш, суд аппарати ходимларини ишга олишнинг очиқ тартибини яратиш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати доирасида суд тизимида ҳам гендер тенгликни таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Жумладан, яқинлашиб келаётган 10 март – Халқаро аёл судьялар кунини нишонлаш бўйича режалар белгилаб олинди.

Президентимиз билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлаб, суд ҳокимияти мустақиллиги, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўққонлиқ қилаётган омилларни бартараф этиш йўналишидаги тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш юзасидан бир қатор тавсиялар берди.

Ў.А

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар жараёнида инсон қадрини таъминлаш масаласига давлатнинг олий қадрияти ва вазифаси сифатида эътибор қаратилиб, болалар ва аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият берилмоқда.



Болалар ва аёлларнинг қадр, ҳуқуқ-манфаатлари ҳимояси — жамиятимизнинг устувор мақсади

Болалар ва аёллар билан боғлиқ барча тизимли ҳуқуқ ва эркинликлар, шу жумладан, зўравонликдан ҳимоя қилиш мамлакатимизнинг янгилашган Асосий Қонуни – Конституцияда мустақамлаб кўйилди. Шу асосда қисқа муддатларда зўравонликнинг турли кўринишларини бартараф этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Болаларга нисбатан оилавий зўравонликнинг турли кўринишлари учун жавобгарлик белгиланиб, қўшимча ҳимоя чоралари жорий қилинди.



Орзиқул ҚОЗИХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар,
маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси

Ислохот ва самара

Сунъий интеллект

уни иқтисодий судларда
қўллашнинг афзалликлари



Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига тақдим этган Мурожаатномасида иқтисодий судлар фаолиятига ҳам алоҳида тўхтади. Бу бежиз эмас, чунки иқтисодий адолат таъминланмаган жойда на инвестиция, на тадбиркорлик муҳити ривожланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни кучайтириш, маъмурий суд ишларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун судларга мурожаат қилишда қўлай шарт-шароитлар яратиш, судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги масъулиятини оширишга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти




Наркожиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Мажлисида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мезон



Суд айбловни ЕНГИЛЛАШТИРДИ

Чунки қонун талаби шунини тақозо этди

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, рўй берган воқеа тафсилотида эътибор қаратиш жоиз. Маълум бўлишича, С.Эрмаматов таниши Л.Отажанованинг бошқа шахслар билан гаплашиб юрганидан хабар топгач, рашк туфайли 2025 йил 8 январь кунини соат 21ларда Яшнобод тумани, Авиасозлар 3 даҳасида жойлашган “Пор 24/7” номли клиника биносидан жанжаллашган. Натижада у Л.Отажанованига енгил шикаст етказган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Муносабат

Хавфсиз муҳит ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган амалиёт



Жорий йил 27 январда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти танқидий, таҳлилий негизда кўриб чиқилди. Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида янги вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ва маданий маркази сифатидаги ўрни янада яхшиланган бора-бора, бир сўз билан айтганда, пойтахтда иқтисодий ривожланиш даражаси сезиларли даражада ошганини таъкидлади. Шу билан бир-

га, қаерда ҳаёт яхшиланса, даромад кўпайса, ўша ерда “енгил пул топиш” ҳаракатида бўлган жиноий тузилмалар ҳам фаоллашиб, жиноятнинг янги усул ва воситалари, энг аввало, шу ерда пайдо бўлиши ҳақида куюнчаклик билан гапирди.

(Давоми 2-бетда) ▶



Убайдулла МИНГБОВ,
Ўзбекистон Судьялари
Ассоциацияси раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист

Қонун кўмаги



Қимматга тушган ЛОҚАЙДЛИК

2024 йил 21 октябрда имзоланган шартномага мувофиқ, сотувчи — “OTAMUROD OTAJONOV” масъулияти чекланган жамияти харидор — “XORAZMYO'LKO'KALAM” давлат муассасасига жами 144 миллион сўмлик қайрағоч дарахти кўчатларини етказиб бериш, ҳамкор тараф эса, юқорида қайд этилган миқдордаги маблағни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини зиммаларига олган.

Сотувчи орадан 15 кун ўтмаёқ ўз шартномавий мажбуриятини бажариб, шартномада кўрсатилган 144 миллион сўмлик қайрағоч кўчатларини харидорга етказиб беради. Албатта, кўчатлар харидорини топгани яхши бўлди.

Чунки кўчат ўз вақтида ерга қадалса, тез орада кўкка буй чўзади, ҳадемай танаси кучоққа сигмайдиган дарахтга айланади. Шу боис сотувчи харидорнинг куюк ваъдасига ишониб, кўчатларни пули тўланишини кутмай етказиб берган.

Аммо харидор кўчатлар пулини орадан ҳафта, ойлар ўтса-да, тўлашни ҳаёлига келтирмайди.

(Давоми 3-бетда) ▶



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Кечкурун соат ўнларда Омонжол палатамга кириб келди. Ярим кечагача гаплашиб ўтирдик. Касалимни унга бошдан-охиригача айтиб бердим. Омонжол эрта-лаб келиб, Давидов билан

гаплашиб кўядиган бўлди. Аммо Давидов мени соат саккизда қабул қилишини ҳеч ўйламабмиз. Албатта, Омонжол ҳали марказга келмаган, демак, Давидов билан гаплашмаган эди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, Жиноят кодексидagi гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар аҳоли саломатлиги ва генотипига қарши жиноятлар сифатида алоҳида бобга бирлаштирилмоқда.

Шунингдек, Жиноят кодексидagi ушбу бобда наркотикларнинг ноқонуний муомаласига ҳокимият (мансаб) ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (раҳнамолик) қилиш ҳамда ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фа-

олият юритишини таъминлаш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлиқни назарда тутувчи янги нормалар белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга эса, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни жамоат жойларида истеъмол қилганлик учун жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари бу турдаги жиноятлар қайта содир этилишининг олдини олиш мақсадида, жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ЯНГИ ИНСТИТУТ ВА ТАРТИБЛАР

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — маъмурий суд ишларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга, шунингдек, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасида маъмурий суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган янги институт ва тартиблар ҳам назарда тутилмоқда. Хусусан, маъмурий судларда дастлабки эшитув институти жорий этилмоқда. Ушбу босқич суд муҳокамасига далилларни тўплаш, даъво талабларини аниқлаштириш ҳамда тарафларни келиштириш имконини яратяди. Бу эса, ишларни кўриш муддатларини қисқартириш ва ортиқча харажатларни камайтиришга хизмат қиладди.

СУДЬЯЛИККА НОМЗОДЛАР

ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МАСЪУЛ ҚЎМИТАЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ



Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумки, Конституциявий суд судьялари, Олий суд раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари, Судьялар олий кенгаши раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади. Уларни сайлаш тўғрисидаги масала Сенатнинг навбатдаги мажлисида

Қонун лойиҳасида “ишончнинг ҳуқуқий ҳимояси” принципи ҳам мустаҳкамланмоқда. Унга кўра, давлат органининг қарор ёки ҳужжатига ишониб, виждонан ҳаракат қилган фуқаро ёки тадбиркорнинг ҳуқуқлари қатъий ҳимоя қилинади. Давлат органининг хатоси учун ҳалол фаолият юритган шахс жавобгар бўлмаглиги қонун даражасида кафолатланади.

Шунингдек, давлат органлари мансабдор шахслари асосиз сабаблар билан суд мажлисига келмаган тақдирда, уларга нисбатан суд жарималари қўлланилиши белгиланмоқда. Маъмурий судга ҳурматсизлик қилганлик ёки суднинг ҳусусий ажримларини ижро этмаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатининг бевосита маъмурий судларнинг ўзига берилиши эса, суд ҳокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини янада мустаҳкамлайди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинади.

Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан ҳал қилинади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан судьяликка номзодларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш тақлиф этилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонунга қўриқорида кўрсатилган лавозимларга сайлаш учун номзодлар дастлабки тарзда Олий Мажлиси Сенатининг масъул қўмитаси томонидан кўриб чиқилиши ҳамда кўриб чиқиш яқунлари бўйича қўмита томонидан хулоса қилиниши билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Дунё таниган азим пойтахт-тимиздаги аҳволни ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларга мос деб бўлмаслиги, пойтахтнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари юртимизга намуна бўлмайётгани, бунинг учун пойтахтда ресурс ҳам, куч-воситалар ҳам, илмий салоҳият ҳам етарли бўлишига қарамадан, ҳалигача эски “қолип”дан чиқиб кетаолмаётган раҳбарлар фаолияти жиддий танқид қилинди. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олишда асосий бўлган — маҳалла профилактикаси ҳисобланиши, бироқ Тошкент шаҳридаги профилактика хизматларининг иши тўғри ташкил этилмагани учун муаммолар тўплабни қолганига ҳам эътибор қаратилди.

Бундан ташқари Президентимиз нарқожиноятчилик ва уюшган гуруҳларга қарши кураш борасида тегишли мансабдор шахсларда қатъий етишмаслигини танқид қилди. Чет элга бориб уюшган жиноий гуруҳлар ташкил қилган, ҳаттоки, ўз юртимиз фуқароларини ҳам талаётган айрим шахслар фаолиятига чек қўйишда дастлабки қўриқори, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди.

Давлатимиз раҳбари давлат идоралари ва корхоналарида хавфсизлик учун масъуллар фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш

□ Муносабат

Хавфсиз муҳит ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган амалиёт

вақти келганлигини қайд этиб, масъул идоралар уюшган жиноятчилик, нарқожиноятлар, кибержиноятчилик ва яширин иқтисодийёт бўйича жиловни қўлга олиши шартлиги ҳақида ҳам жиддий тўхталиди. Ушбу 4 та йўналиш бўйича мутлақо янги тизим яратилиши, ушбу жараён айнан Тошкент шаҳридан бошланиши зарур. Чунки бу билан хавфсиз муҳит яратиш бўйича “пойтахт намунаси” жорий этилади.

Айниқса, нарқожиноятларга қарши кураш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Йиғилишда синтетик нарқожиноятчиликнинг 95 фоизи интернет орқали тарқатилиб, криптовалютада тўлов қилинаётганлиги, нарқожиноятчиликнинг мамлакатимиз ичида ташкил қилинганлиги кескин танқид қилинди ва бу борада тегишли таъсирчан чоралар кўриш юзасидан топшириқлар берилди.

Президентимиз қайд этганларидек, ўтган йили Тошкент шаҳрида ушланган уюшган жиноий гуруҳлар тарқибидан 259 нафар ёшлар, шу жумладан, спортчилар бўлганлиги ўта ташвишли ҳолдир. Спортчиларнинг аксарияти кўча

ши бутун жамиятимиз жипс бўлиб курашиши керак.

Юртбошимиз аҳолининг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларга қулай шарт-шароит яратиш масалалари ечимларига ҳам тўхталиди. Бунда судлар, адвокатура ва суд-тиббий экспертизалари томонидан марказлашган тунги навбатчиликни ташкил этиш бўйича ҳорижий тажрибани ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан тегишли масъулларга аниқ топшириқлар берилди.

Президентимиз қайси соҳа бўйича гапирган бўлмасин, барчаси судьяларимизнинг ваколат ва мажбуриятларига бевосита тегишлидир. Чунки қонунларга ҳурматсизлик қилиб, ҳар қандай ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга ёки жиддий жиноий ҳаракатларга охириги баҳони бериш, сўнги нуқтани кўйиш ваколати айнан судьяларга берилган.

Шунинг учун фурсатдан фойдаланиб, вилоят ва унга тенглаштирилган суд раислари, судьялар ва соҳа ходимларига мурожаат қилмоқчиман.

Хурматлик ҳамкасблар!

Сиздан давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда хавфсиз муҳит яратиш, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун куюнчаллик билан гапирган гапларига ўта масъулият билан қараб, вилоятингиз доирасида қонун устуворлиги ва адолатни барқарор таъминлашда қатъий бўлишингиз талаб этилади. Шунингдек, мамлакатда одил судловни амалга ошириш борасида энг шимариб, астойдил хизмат қилишингиз ҳам керак.

Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қонун доирасида ҳолисона қарор, ҳукм ва ажримлар чиқарсак, ўйлайманки, олдимизда турган мақсадга ва Президентимиз биздан кутаётган амалий натижаларга эришамиз.

Суд тизимининг шу соҳада сочи оқарган кекса авлоди вакили сифатида сизларнинг шундай масъулиятли ва шарофли касб фидойиси ҳамда ҳалол, покиза ва покдомон судьялар бўлиб юришингизни тилайман. Ҳар бирингиз ўз фаолиятингизда ҳақиқий адолатли судья номига муяссар бўлишингизни истаган ҳолда, дуо қилиб қоламан.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислоҳотлар хусусида гапирар экан, 2026 йилдан бошлаб, Электрон ҳуқуқат платформаси тубдан янгиланиши таъкидлади. Жумладан, энди барча давлат идораларининг 1 мингдан зиёд давлат хизматлари, 5 мингдан ортиқ функция ва вазифалари, 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими, 100 мингдан зиёд давлат хизматчисининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидаги ваколатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилинади.

Мазкур платформага келиб тушган мурожаатлар, уларни ижрочиларга тақсимлаш ва кўриб чиқиш муддатини назорат қилиш сунъий интеллект орқали амалга оширилади. Содда қилиб айтганда, маҳалладан тортиб, республика даражасида ҳал бўладиган ҳар бир масаланинг ижроси, муддати, ресурси бир жойда кўриниб туради.

Энг муҳими, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилсиз, коррупция ва ортиқча бюрократиядан холи экотизим яратилиши, давлат хизматларини проактив ва жамланма шаклда кўрсатиш тизимини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди. Президентимиз уқтирганидек, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминламай туриб, фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқининг ишончли тикланишига эришиб бўлмайди. Шу боис мажбурий ижро жараёнига самарали муқобил механизмларни ҳам киритамиз. Натижада соҳага сунъий интеллект жорий этилиб, келгуси икки йилда ижро ҳаракатларининг 30 фоизи инсон омилсиз амалга оширилади.

Мурожаатномада иқтисодий судларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масаласи алоҳида стратегик йўналиш сифатида таъкид-

Ислоҳот ва самара



ланди. Бинобарин, бу шунчаки техник янгилик эмас, балки “адолатли ва тезкор суд” концепциясини амалга оширишнинг асосий воситасидир.

Айтиш жоизки, “Смарт” иқтисодий судларни, яъни иқтисодий соҳага сунъий интеллектнинг жорий этилишининг қатор афзалликлари бор.

Биринчи афзаллик — “Big Data” ва ҳужжатларни сонияларда таҳлил қилиш имконидир. Иқтисодий низола, одатда, минглаб саҳифали бухгалтерия ҳужжатлари, банк кўчирмалари ва шартномаларни ўз ичига олади. Сунъий интеллект эса, ушбу улкан маълумотлар базасини сониялар ичида сканерлайди ва ундаги шубҳали операцияларни ёки қонунбузарликларни аниқлайди. Натижада судья ишни ўрганиш учун кетадиган ҳафта-лаб вақтини тежайди ва асосий эътиборни ҳуқуқий хулосага қаратади.

Иккинчи афзаллик — суд амалиётининг бир хиллигини таъминлаш билан боғлиқ. Президентимиз бир хил мазмундаги низола бўйича турли судларда турлича қарорлар чиқари-

рилиши тадбиркорларнинг ишончига путур етказётганига эътиборни қаратади. Сунъий интеллект тизими аввалги барча суд қарорларини таҳлил қилиб, кўрилатган иш бўйича “суд прецеденти” ва ҳуқуқий ечимларни судьяга тавсия сифатида тақдим этади. Коррупция ва инсон омилли камаяди, суд қарорларининг прогнозуаллиги, яъни олдиндан айтиш мумкинлиги таъминланади.

Учинчи афзаллик — инсон омилли ва коррупция хавфини камайтириш. Гап шундаки, сунъий интеллект пора олмайди ва шахсий манфаатга эга эмас. Ишларни судьялар ўртасида автоматик тақсимлашда сунъий интеллект “манфаатлар тўқнашуви” мавжудлигини, масалан, судья ва тадбиркорнинг яқинлиги ҳолатини текширади. Қарабсизки, ишларнинг ҳолис ва шаффоф кўрилиши таъминланади.

Тўртинчи афзаллик — низола-ри соддалаштирилган ва масофавий кўришга бориб тақалади. Кўпгина киши иқтисодий низола, масалан, қарздорликни ундириш масаласи сунъий интеллект ёрдамида

автоматик тартибда кўриб чиқилиши мумкин. Даъво аризаси берилганда сунъий интеллект ҳужжатларнинг тўлиқлигини текширади ва агар эътироз бўлмаса, қарор лойиҳасини тайёрлайди. Натижада судларнинг иш юки 30-40 фоиз камайд, бу эса, мураккаб инвестициявий низола кўпроқ вақт ажратиш имконини беради.

Бешинчи афзаллик — иқтисодий хатарларни проенко қилиш, яъни олдиндан билиш салоҳияти. Сунъий интеллект тизими қайси соҳаларда ёки қайси корхоналар ўртасида низола кўпаяётганини таҳлил қилиб, давлатга иқтисодий ислоҳотлар бўйича тавсиялар беради. Бундан мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошади, чунки инвестор ўз мулки сунъий интеллект назоратидаги адолатли тизим орқали ҳимояланганини билади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий судларда сунъий интеллект судьянинг ўрнини босувчи куч эмас, балки адолат кўзойнақдир. У тадбиркорнинг вақтин ва маблағини тежайди, тизимдаги яширин занжирларни фож этади. Энг муҳими, суд жараёнларининг муддатини қисқартиради ва қарорларнинг асослигини оширади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Президенти суд қарори чиқарилиши билан иш битмаслигини, бу қарорларнинг ижроси таъминланиши шартлигини ҳам қатъий таъкидлади. Бундан кўзланган асосий мақсад — суд қарорлари ижросини назорат қилишнинг электрон тизимини кучайтиришдир. Чунки агар иқтисодий суд қарори ижро этилмаса, бундай салбий ҳолат фақат суднинг эмас, балки бутун давлат тизимининг обрўсига путур етказяди.

Сурайё ГАНИБАЕВА,
Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси

■ Мезон

Суд айбловни

ўзганинг мол-мулкни эгаллашга йўналтирилган ҳаракат асосий аҳамият касб этади, ўзга шахсга тажовуз қилиш ўзганинг мол-мулкни эгаллаш воситаси сифатида ифодаланади.

Энди юқорида баён этилган воқеага қайтсак, суд мажлисида аниқланган ва иш ҳужжатлари билан тасдиқланган ҳолатларга кўра, С.Эрмаматовнинг бошқа шахслар билан ўзаро гаплашиб юрганидиган хабар топгач, 2025 йил 8 январь куни соат 21 ларда Яшнобод тумани, Ависослар 3-даҳасида у билан рашк туфайли ўзаро жанжаллашиб, уни бир неча маротаба урган ва қасд-

дан соғлиғининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви-га сабаб бўлган энгил шикаст етказган.

Бундай қилмиш учун Жиноят кодексининг 109-моддасида жавобгарлик белгиланган. Аниқроқ айтганда, қонун талабига кўра, агар айбдорнинг ҳаракатлари жабрланувчи батданга энгил шикаст етказиб, унинг соғлиғини қисқа муддатга ишдан чиқарса ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига олиб келса, айбдорнинг ҳаракатлари айнан Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан малакаланади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳақда сўз борганда, яқинда Ўзбекистон Президенти ҳузурда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан 2026–2030 йилларда болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган стратегия тўғрисида ахборот берилганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Стратегиянинг асосий мақсади — болалар учун зўравонликдан холи муҳит яратиш, зўравонлик хавфи остидаги болаларни барвақт аниқлаш ҳамда жабрланувчи ёки гувоҳ бўлган болаларга комплекс хизматлар кўрсатишдан иборат. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Дунёда ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётгани, кундалик ҳаётимиз тобора рақамлашиб бораётгани асосида инсонлар, хусусан, болалар учун айрим янги кўринишдаги киберхавфлар ҳам келиб чиқаётгани сир эмас.

Афсуски, кейинги пайтларда Интернет ва ижтимоий тармоқларда вояга етмаган шахсларга нисбатан уятсиз, шаън ва қадр-қимматни поймол этувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўйилаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бундай

лади.

Бола учун интернет хавфсиз муҳит бўлиши шарт. Унинг шаъни дахлсизлиги ва келажаги ҳар қандай “лайк” иштиёқи ёки фойда орттириши истигадан устун туриши керак.

Айни омилар амалдаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш ва зарурий чоралар белгилаш-

тўғрисида”ги қонун сенаторлар томонидан маълумлангани муҳим аҳамият касб этади. Янги қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ишлаб чиқилган.

Янги қонун Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга болаларга

Шунингдек, ушбу кодекда:

– била туриб, вояга етмаганлар тасвирланган порнографик маҳсулотларни сақлаш ҳаракатини бир йил давомида такроран содир этганлик;

– вояга етмаган шахс тасвирланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш,

бўлиши мумкин;

– вояга етмаган гувоҳнинг қонуний вакили ишда ўзи вакиллик қилаётган шахс билан бирга иштирок этишини таъминлаш;

– қонуний вакилнинг ишда иштирок этишини расмийлаштириш назарда тутилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат: вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир кун мобайнидаги умумий давомиёлиги унинг ёшидан ва ҳолатидан келиб чиқиб белгиланмоқда.

Шунингдек, болаларни сўроқ қилиш жараёнида ортқча руҳий босимнинг олдини олишга қаратилган янги нормалар киритилмоқда. Бунда қуйидаги тартибга амал қилинади, яъни сўроқ қилиш жараёни:

- 7 ёшгача бўлганларга нисбатан – танаффусларсиз ўттиз дақиқадан, жами бир соатдан;
- 7 ёшдан 14 ёшгача бўлганларга нисбатан – танаффусларсиз бир соатдан, жами икки соатдан;
- 14 ёшдан 18 ёшгача бўлганларга нисбатан – танаффусларсиз икки соатдан, жами тўрт соатдан ошмаслиги лозим.

Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексага вояга етмаган шахс тасвирланганлиги ёки тасвирланганлиги айбдорга аён бўлган порнографик маҳсулотни тарқатиш мақсадида сақлаганлиги учун жазога ҳасил қилиниши назарда тутилганлиги қўшимча киритилмоқда.

Ушбу қонунни ишлаб чиқишда хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ўрганилган. Хусусан, Германия, Россия, Грузия ва Қозоғистон каби давлатларнинг бу борадаги амалиёти таҳлил этилган.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун жиноятларнинг олдини олиш, содир этиладиган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

■ ■ ■ **Моҳият**

Болалар ва аёлларнинг қадри, ҳуқуқ-манфаатлари ҳимояси —

жамиятимизнинг устувор мақсади



ни тақозо этмоқда. Янада аниқроқ айтганда, болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, уларни жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш, жиноят

нисбатан Интернет ҳақон ахборот тармоғидан фойдаланиб, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик белгилаш, шунингдек, вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини

намоиш этиш мақсадида, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш,

– бу каби маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсини порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижросини сифатида жалб этиш ҳаракатларини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Янги қонун билан Жиноят-процессуал кодекси ҳам бола манфаатига хизмат қилувчи янги нормалар билан тўлдирилмоқда. Жумладан:

– гувоҳ вояга етмаган шахс бўлган ҳолларда, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун гувоҳнинг қонуний вакилини ишда иштирок этишга жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Қонуний вакил ота-она, фарзандлик олан шахс, васийлар, ҳомийлар, васийлик ва ҳомийлик органининг вакиллари

процессидида гувоҳ сифатида жалб этишнинг аниқ механизмларини белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида “**Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

сўроқ қилиш жараёнига оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Хусусан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш мақсадида, Жиноят кодексида янги модда киритилиб, 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернетдан фойдаланиб уятсиз ҳаракатлар қилганлик жиноят сифатида белгиланмоқда.

“ Стратегиянинг асосий мақсади — болалар учун зўравонликдан холи муҳит яратиш, зўравонлик хавфи остидаги болаларни барвақт аниқлаш ҳамда жабрланувчи ёки гувоҳ бўлган болаларга комплекс хизматлар кўрсатишдан иборат. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. ”

жиноятларни фақат бегона кимсаларгина эмас, балки айрим ҳолларда боланинг энг яқинлари – қариндошлари ёки ишонч билдирилган шахслар ҳам содир этмоқда.

Рақамли маконда тарқатилган уятсиз фото ва видеолар бола тақдирига кескин салбий таъсир кўрсатади. Бундай материаллар йиллар ўтиб ҳам, йўқолиб кетмайди, аксинча, бола улғайган сари уни таъқиб қи-

■ **Қарор ва ижро**

Масъулиятсизлик

қонуний жавобгарликка сабаб бўлди


ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, муносабатларни ҳал этиш борасидаги ишлар таҳлил қилинди. Шу аснода, кўрилган ишларнинг салмоқли қисми маъмурий органлар қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш ва мансабдор шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топишга оид эканлиги аён бўлди. Шунингдек, айрим масъул ва мансабдор шахсларнинг суд қарори ижросига нисбатан масъулиятсиз



муносабатда бўлгани ҳам ойдинлашди. Бинобарин, 15 та ҳолатда давлат органларининг суд қарорларини ўз вақтида ижро

димларига нисбатан 15 миллион 486 минг сўмлик жарималар кўлланилди.

(Давоми 4-бетда) ▶



енгиллаштирди
чунки қонун талаби шунга тақозо этди

Аммо дастлабки тергов органи томонидан С.Эрмаматовнинг босқинчилик жиноятини содир этишдаги айбини исботлайдиган далиллар тўлиқ текширилмаган, шунингдек, иш ҳужжатларида босқинчилик билан боғлиқ айбловни шубҳа остида қолдирадиган аниқ далиллар мавжуд бўлганлигини инобатга олмаган, тергов ҳара-

катлари ноҳолис равишда фақат босқинчилик жиноятини содир этишда айблаш йўналишида олиб бориб, мавжуд ҳолатларни тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона ўрганиш, шунингдек, аниқ ҳуқуқий баҳо бериш чоралари қўрилмаган.

Иш ҳолатига кўра, С.Эрмаматовнинг жабрланувчи Л.Отажоновага тегишли пул

маблағи ёки бошқа мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилганлигини, жабрланувчи ушбу мол-мулкни эгаллинишига қаршилик кўрсатганлигини тасдиқловчи ҳолатлар мавжуд эмас.

Аслида ҳам С.Эрмаматовнинг мақсади жабрланувчи Л.Отажонованинг мол-мулкни талон-торож қилиш эмас, балки рашки туфайли келиб чиққан жанжалда унга енгил тан жароҳати етказган.

Бундан ташқари бу воқеа 2025 йил 8 январь кунини содир этилган бўлса-да, жабрланувчи Л.Отажонова судланувчи С.Эрмаматов билан бир ҳафта давомида ўзаро яхши муносабатда бўлган.

Шунингдек, воқеа содир бўлган кунини судланувчи С.Эрмаматов клиникадан чиқиб кетгач, бироздан сўнг

қайтиб келиб эшикни тақиллатгани, Л.Отажонова эшикни очмаганида унинг дугонаси Илмирага ўзи кўнгирак қилиб қақиргани С.Эрмаматов босқинчилик жиноятини содир қилиш мақсади бўлмаганини тасдиқлайди.

Юқорида баён этилган ҳолатлар дастлабки терговни юритишда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани, ҳақиқий иш ҳолати етарли даражада текширилмагани ва ҳақиқатни аниқлаш тамойиллари бузилганини кўрсатади.

Ўз навбатида, суд келтирилган асосларга кўра, судланувчи С.Эрмаматовнинг ҳаракатларида ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида шахсининг ҳаёти ёки соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрkitиб ҳужум

қилиш мавжуд эмас, деб ҳисоблади. Қонун талабларидан келиб чиқиб, қасддан баданга енгил шикаст етказганликда ифодаланган ҳаракатларини Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми “а” бандидан 109-моддаси 2-қисми “в” бандига қайта маълумлаш лозим топди ва икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ҳар бир фуқаро — қонун ҳимоясида. Шундай экан, кимнингдир ҳаётида қонунбузилиши ҳолати содир бўлган тақдирда ҳам, унинг қилмишини адолатли баҳолаш вазифаси одил судлов зиммасидадир.

Жасурбек УБАЙДУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани суди судьяси



■ **Қонун кўмаги**
Қимматга тушган
ЛОҚАЙДЛИК

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари Фуқаролик кодексининг 116-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, қонунчилик талабларига мос келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган ҳужжат ҳақиқий ҳисобланмайди.

Албатта, суд жараёнида маълум бўлган бу ҳолатлар жиддий қонунбузарлик сифатида баҳоланади. Томонлар, биринчи галда, жавобгар тараф ўзаро келишув чоғида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддаси талабларига риоя этмагани, яъни харид электрон дўкон ёхуд бошланғич нархни пасайтиришга қарата ўтказиладиган аукцион, энг яхши таклифлар танлови ёки тендер савдолари орқали амалга оширилмагани, шартнома тегишли тартибда газначилик муассасасида рўйхатдан ўтказилмагани алоҳида қайд этилди.

Бу ҳолат охир-оқибатда бемаврид ишонувчанлик ва лоқайдликнинг азобини кўрган даввогар тарафнинг гарданига янада оғир юк бўлиб тушди. Суд юқорида ҳукмингизга ҳавола қилинган ҳолатлар ва қонун талабига мувофиқ унинг жавобгардан 144 миллион сўм миқоридаги хариднинг пулини ундириб беришга қаратилган талабининг рад этди. Буларнинг бари биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорига ўз ифодасини топди.

Оқибатини ўйламай босилган қадамларнинг мантиқий якуни шу бўлди. Аслида қонун талабига амал қилмаслиқнинг оқибати шундай кечадди. Аяччи ва ачинарли вазиятларга йўлиқмасликнинг бирдан-бир шартини қонун талаблари, инсонийлик тамойилларига риоя этишдан иборат.

Бундай вазиятда бюджет ҳисобидан ажратилган маблағлар, моддий воситалар тобе идора ва корхоналар тарафидан ваколатли давлат муассасаларининг қатъий назорати остида оқилон ва самарали тарзда сарфланиши зарур. Шу маънода судга жавобгар мақомида жалб қилинган “ХОРАЗМҲО” ЛКО “КАЛАМ” муассасаси давлат ташкилотининг ҳисобидан содир қилинган.

Бундан ташқари Фуқаролик кодексининг 116-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, қонунчилик талабларига мос келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган ҳужжат ҳақиқий ҳисобланмайди.

Албатта, суд жараёнида маълум бўлган бу ҳолатлар жиддий қонунбузарлик сифатида баҳоланади. Томонлар, биринчи галда, жавобгар тараф ўзаро келишув чоғида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддаси талабларига риоя этмагани, яъни харид электрон дўкон ёхуд бошланғич нархни пасайтиришга қарата ўтказиладиган аукцион, энг яхши таклифлар танлови ёки тендер савдолари орқали амалга оширилмагани, шартнома тегишли тартибда газначилик муассасасида рўйхатдан ўтказилмагани алоҳида қайд этилди.

Бу ҳолат охир-оқибатда бемаврид ишонувчанлик ва лоқайдликнинг азобини кўрган даввогар тарафнинг гарданига янада оғир юк бўлиб тушди. Суд юқорида ҳукмингизга ҳавола қилинган ҳолатлар ва қонун талабига мувофиқ унинг жавобгардан 144 миллион сўм миқоридаги хариднинг пулини ундириб беришга қаратилган талабининг рад этди. Буларнинг бари биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорига ўз ифодасини топди.

Оқибатини ўйламай босилган қадамларнинг мантиқий якуни шу бўлди. Аслида қонун талабига амал қилмаслиқнинг оқибати шундай кечадди. Аяччи ва ачинарли вазиятларга йўлиқмасликнинг бирдан-бир шартини қонун талаблари, инсонийлик тамойилларига риоя этишдан иборат.

нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, энг яхши таклифларни танлаш, тендер, тўғридан-тўғри шартномалар асосида Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари орқали амалга оширилади.

Аммо, маълум бўлишича, жавобгар хариднинг ушбу тартиб-таомилларини четлаб ўтган ҳолда даввогар билан тўғридан-тўғри равишда шартнома расмийлаштирган. Бу ҳам етмагандек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджет-тегишли фазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари ҳам эътибордан соқит этилган.

Мазкур ҳужжатнинг 6-бандида уқтирилишича, бюджет ташкилотларининг товарлар, ишлар, хизматлар етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек, буюртмачиларнинг давлат бюджет маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид битимлари мажбурий тартибда газначилик муассасасида рўйхатга олиниши шарт ва келишилган аҳднома ушбу тадбир амалга оширилган-дан кейин кучга қиради. Айни шундай талаб Бюджет кодексининг 122-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари Фуқаролик кодексининг 116-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, қонунчилик талабларига мос келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган ҳужжат ҳақиқий ҳисобланмайди.

Албатта, суд жараёнида маълум бўлган бу ҳолатлар жиддий қонунбузарлик сифатида баҳоланади. Томонлар, биринчи галда, жавобгар тараф ўзаро келишув чоғида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддаси талабларига риоя этмагани, яъни харид электрон дўкон ёхуд бошланғич нархни пасайтиришга қарата ўтказиладиган аукцион, энг яхши таклифлар танлови ёки тендер савдолари орқали амалга оширилмагани, шартнома тегишли тартибда газначилик муассасасида рўйхатдан ўтказилмагани алоҳида қайд этилди.

Бу ҳолат охир-оқибатда бемаврид ишонувчанлик ва лоқайдликнинг азобини кўрган даввогар тарафнинг гарданига янада оғир юк бўлиб тушди. Суд юқорида ҳукмингизга ҳавола қилинган ҳолатлар ва қонун талабига мувофиқ унинг жавобгардан 144 миллион сўм миқоридаги хариднинг пулини ундириб беришга қаратилган талабининг рад этди. Буларнинг бари биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорига ўз ифодасини топди.

Оқибатини ўйламай босилган қадамларнинг мантиқий якуни шу бўлди. Аслида қонун талабига амал қилмаслиқнинг оқибати шундай кечадди. Аяччи ва ачинарли вазиятларга йўлиқмасликнинг бирдан-бир шартини қонун талаблари, инсонийлик тамойилларига риоя этишдан иборат.

Баҳодир ДАВЛАТОВ,
Урганч туманлараро иқтисодий суди раиси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу Давидовнинг кабинетига киришим билан маълум бўлди. У мендан ҳеч нарса сўрамади, ўзи ҳам ҳеч нарса демади. Шентал эса менга оғиз очирмади. Давидов мени кўриб бўлиши билан: — Кетаверинг, сизга жавоб, — деди.

Индамай чиқиб кетишдан бошқа иложим йўқ эди. Палатамга келиб, трубкални ювдим, эхтиёткорлик билан томоғимга солдим. Кейин нонушта қилдим. Нима еганим, нима ичганимни билмадим. Вақт ўтказиш ниятида ошхонада узоқ чайнаиб ўтирдим.

Орадан икки соатча ўтди. Палатага киришим билан орқамдан Шентал чақирди:

— Хотинингиз қачон келади?

— Яқин орада. Нима эди?

— Келиши билан Татьяна Дмитриевна, сиз, хотинингиз гаплашиб оламан. Хотинингизга кулоқ солар экансиз, — деди у. Бу билан у бизни бир-биримизга бўлган муносабатимизни мақтади, танқид қилди, англаб ололмадим. Менга унинг фикрининг мулқо аҳамияти йўқ эди. Ҳаммага ҳам шундай хотин буюрсин. Зухра келиши билан унинг олдида киришга ваъда бердим. Ҳар эҳтимолга қарши, меҳмонхонага телефон қилдим. Зухра жавоб бермади. Демак, йўлда, ҳали-замон келиб қолади. Автомат-телефон трубкасини қўйишим билан лифтдан Зухра чиқди. Қўлидан ушлаб палатамга олиб кирдим. Бир нарса юз берганини у сизди. Бўлган воқеани айтиб берган эдим:

— Мен Давидов билан учрашишим керак! — деди қатъий равишда Зухра ва шошиб чиқиб кетди.

У кетиши билан Татьяна Дмитриевна келди.

— Улар сизни операция қилишмоқчи. Менинг таклифимга қўшилишмапти, — деди у.

— Ким операция қилади? — сўрадим дарҳол.

— Давидов. Ёнида мен, Шентал бўламиз.

Мен отилиб палатадан чиқиб кетдим ва ўн биринчи қаватга кўтарилиб, Зухрани қидира бошладим. Давидовнинг кабинети кулф эди. Бўлимнинг операция хоналари, марказ директо-



рининг асосий кабинети учинчи қаватда эди. Тушишга журъат қилмадим. Узун, ойнаванд, йўлақдан ўтиш керак. У ерда ҳар доим изғирин шамол эсиб туради. Палатамга қайтиб тушиб, Зухранинг қайтишини кута бошладим. Бир маҳал у суюниб кириб келди.

— Давидовни топдим, гаплашдим. Ўзи операция қиларкан!

Мен уни бағримга босдим, Татьяна Дмитриевна кирганини айтиб бердим.

Аммо севинчимиз узоқ давом этмади. Шентал хонасига кирганимизда кайфиятим бузилиб кетди. Кўрдим: Зухра бечора ҳам ғалати бўлиб, бирпасда ранги ўзгариб, қорайиб кетди.

— Икки йўл бор, — деди Шентал. — Биттаси нур билан, кимёвий терапия билан даволаш. Иккинчи йўл — операция. Очиғини айтаман, оғир, узоқ операция. Кўкрак қафасини очиб керак, юқори қовурга суюгининг бир бўлагини кесиб керак, бошқатдан уни қўйиб бўлмайди албатта. Кейин трубкани пастроққа тушираман. Чунки операция натижасида трохея қалта бўлиб қолади. Операция яхши ўтади, деб айтолмайман. Танланг. Бу ихтиёрингиз. Шахсан мен операция тарафдориман.

Лекин тузалиб кетишингизга қафиллик беролмайман. Бундан ташқари, операциядан сўнг сизга жисмоний қийинчилик ҳам туғилиши мумкин. Уйланг,

бугун кечгача жавоб беринг.

Мен бундай бўлишни кутмаган эдим. Албатта, ростини айтишим керак, оёқларимгача бўшашиб кетди. Палатага қандай келганимни билмаман. Демак, операциядан омон чиқмаслигим мумкин. Тўғри, ўлим ҳар кимнинг бошида бор. Аммо бундай операциядан мажруҳ чиқганимда ҳам, яшашни истамасдим. Мажруҳ бўлиш, жиндекина бўлса ҳам, чиқиб турган овозимни йўқотиш, томоғимдаги нафас тешигини пастга, кўкрак суюқларининг ўртасига тушириб яшаш — менга оғир. Кейин кўкрак суюқлари кесилган одам юра олиши мумкинми, йўқми — номаълум. Бундай яшашдан кўра ўлим афзал. Яқинда олтимишга кираман. Уч-тўрт ой қолди. Улуғ кишилар, танишларим, дўстларим, ҳамкасбларим билан сира ҳам ўзимни тенглаштиргим йўқ. Аммо умрларимизни солиштирганда мендан анча ёш бўлган ҳолда бу дунёдан ўтиб кетганлар ози? Пушкин, Лермонтов, Бобур... Чўлпон-чи? Усмон Носир-чи? Дўстларим Ғани Расулов, Абдуазимов, Жуманиёз Абдурахимов, Ботир Зокиров, Дамир Шокиров, Уктам Усмонов... Рўйхатни яна давом эттирсиз бўлади. Лекин ҳожаги йўқ. Уларнинг ҳаммаси узоқ умр кўришга ҳақли эдилар. Узоқ яшасалар, мендан ҳам зиёд ўз юртлари, элларига (мен улугларни эмас, ўз

дўстларим, ҳамкасбларимни назарда тутаяпман) хизмат қилишлари мумкин эди. Афсуски, бераҳм ўлим улар ҳали эллика кирмасларидан, атоқли режиссёр Дамирни эса, ўттизга кирмасдан олиб кетди. Владимир Висоцкий, Андрей Миронов, Олег Даль ҳам ёш кетди бу дунёдан. Мен улардан кўпроқ яшадим, яшаяпман. Пешанамга шу ёшимда ҳаётдан кўз юмиш ёзилган бўлса, майли, шу дақиқани кутиб оламан. Фақат Умида менсиз эзлади. Ўн тўрт ёшда отасиз қолиши, ўртоқлари олдида... қийналади. Биламан, Зухрага ҳам оғир бўлади. Лекин у иродали, ақли аёл. Қизининг етим қолганини ҳеч кимга сездирмайди, бадавлат хонадоннинг қизларидек қийинтиради, тарантиради.

Татьяна Дмитриевна палатага кириб келди.

— Албатта, ихтиёр ўзингизда. Лекин мен аввалги фикрданман. Нур, кимёвий терапия операциядан афзал.

Мен унинг маслаҳатини қабул қилдим. Эртага Шенталга шундай жавоб беришни Зухрага айтдим. У ҳам рози бўлди.

Яна аниқлик пайдо бўлгандек эди. Бу орада Омонжўл марказинг иккинчи бош ва бўйин ишлари бўлимнинг бошлиғи, фан доктори Е.Г.Матягин билан гаплашиб, мени унга кўрсатадиган бўлди. Бу одамни Зухрага Гогосов ҳам тавсия қилган экан. Дарҳол йигирма учинчи қаватга кўтарилдик. Е.Г.Матягин ёш, баланд бўйли, ўзига ишонган одам экан. Мени кўриб бўлиб, операцияга рози бўлишимни таклиф қилди.

— Сиз ўйлаганчалик, Шентал айтганчалик операция оғир бўлмайди. Албатта, кўкракни очиб керак, лекин нафас тешигини жойида қолдирса бўлади. Юқори суюқ бироз кесилди. Шу, холос. Агар истасангиз, мен Михаил Иванович билан гаплашай, ўз мулоҳазамни атай.

У шундай деб биз билан хайрлашди. Менинг фикрим ўзгармади. Аввало, у марказ директорининг фикрига қарши чиқолмайди. Буни мен тушунаман. Назаримда, у мени овутиб, операцияга кўндирмоқчи бўлди. Иккинчидан, у ҳам хирург, масалани тиг билан ҳал этиш тарафдори.

(Давоми келгуси сонда)



◀ (Бошланиши 3-бетда)

Шу ўринда ҳаётини мисолга эътибор қаратсак, Фаргона вилояти фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши "Roshidon davroni" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, судга киритган даъво аризасида Фаргона вилояти солиқ бошқармасининг 2024 йил 4 сентябрдаги 30-78318-сонли, 2024 йил 4 сентябрдаги 30-738311-сонли ва 2024 йил 11 сентябрдаги 17-80290-сонли аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини қабул қилмасликда ифода-ланган хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топилгани сўраган. Фаргона туманларо маъмурий суднинг 2024 йил 20 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза тўлиқ қаноатлантирилган.

Аммо вилоят маъмурий суднинг 2025 йил 27 январдаги апелляция қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорига ўзгариш киритилган: ариза қисман қаноатлантирилиб, вилоят солиқ бошқармасининг 2024 йил 11 сентябрдаги алоқа хатиде ифода-ланган "Roshidon davroni" фермер хўжалигининг 2022 йил сентябрь ойи учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоботини қабул қилмасликдаги ҳаракати қонунга хилоф деб топилган. Ариза талабнинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган. Бироқ суд-

нинг ушбу қарори ижроси таъминланмаган.

Аниқланганича, Фаргона вилояти солиқ бошқармаси томонидан 2025 йил 13 февраль кунини судга алоқа хати юборилган. Унда суд қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоят солиқ бошқармасида ваколат ва техник имконият мавжуд бўлмаганлиги сабабли 2025 йил 7 февраль кунини борада амалий ёрдам сўраб, Республика Солиқ қўмитасига хат юборилганлиги маълум қилинган. Лекин қўмита бош инспектори Мирҳаёт Эргашев (исм-шарифлар ўзгаририлган) томонидан ушбу муносабатга рад жавоби берилган.

Шундан сўнг вилоят фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Фаргона вилояти маъмурий судининг 2025 йил 27 январдаги қарори ижросини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўришни сўраб, муносабат қилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 122-моддасида маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа органлар, шунингдек, ташкилотлар томонидан суд ҳужжати ижро этилмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда суд жарамаси тайинлаш белги-

Қарор ва ижро

Масъулиятсизлик

қонуний жавобгарликка сабаб бўлди

ланган. Суд ҳужжати такроран ижро этилмаган тақдирда эса, дастлабки жариманинг ўн баравари миқдорда суд жаримаси тайинланади.

Суд томонидан давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа органлар, шунингдек, ташкилотларнинг мансабдор шахсларига солинган суд жарималари уларнинг шахсий маблағларидан республика бюджети даромадида ундирилади.

Шу ҳуқуқий асосларга таянган вилоят маъмурий суди Фаргона вилояти солиқ бошқармаси бош инспектори Р. Мамадалиевага базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорда, Республика солиқ қўмитаси бош инспектори М.Эргашевга эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдорда суд жаримаси солиши ва давлат бюджети даромадида ундириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Бундан ташқари суд жарималарида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 301 та хусусий ажрим чиқарилган. Мазкур ажримларнинг салмоқли қисми маҳал-ли ҳокимликлар, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Кадастр идоралари, солиқ органлари ва мажбурий ижро бўлимлари масъул ходимларига нисбатан қабул қилинган.

Жумладан, фуқаро Мўртабар Ҳошимова 2025 йил 5 август кунини Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Ўзбекистон тумани бўлимига ёшга доир пенсия тайинлашни сўраб муносабат қилган. Лекин бўлимнинг 2025 йил 18 август-

даги қарори билан М.Ҳошимованинг 2023-2024 йилларда яқка тартибда ўзини ўзи банд қилган даврда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварида солиқ тўловини амалга оширгани инobatта олинмай, ёшга доир пенсия тайинлаш рад этилган. Ваҳолатки, ариза-чи туман давлат солиқ инспекцияси орқали 2021 йилда 245 000 сўм, 2022 йилда 300 000 сўм, 2023 йил учун 330 000 сўм, 2024 йилда эса, 340 000 сўм маблағни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ижтимоий солиқ тўловларини амалга оширган.

Ўз навбатида, бу тўловлар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йўналтирилган. Шу боис Мўртабар Ҳошимова юқоридеги қарорни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб, Фаргона туманларо маъмурий судига муносабат қилган.

Айтиш керакки, Солиқ кодексининг 408-моддасида меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан ҳисобот йилнинг 1 декабригача йилга базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорда тўловлар амалга оширилиши белги-ланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 43-бандига кўра, яқка тартибдаги тadbirkor ва яқка тартибдаги тadbirkor билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахс томонидан Солиқ кодексининг 408-моддасида белгиланган тартибда

ижтимоий солиқ тўланган давр пенсия тайинлашда иш стажини ҳисобда инobatта олинади. Шунга кўра, суднинг 2025 йил 25 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасига биноан, манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга таъқиқланади. Ана шу ҳуқуқий асосга таянган суд Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Ўзбекистон туман бўлимига қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан хусусий ажрим чиқарди.

Яна бир ҳолат. Фаргона вилояти маъмурий судлари томонидан айрим ишларни кўриш жараёнида жиноят аломатлари ҳам аниқланди. Жиноят иш қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун прокуратура органлари 89 та хабарнома юборилди.

Конституция мизнинг 138-моддасида "Суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир" дея қайд этилган. Шундай экан, суд қарорини бажармаслик қонуний жавобгарликка сабаб бўлишини унутмаслик керак.

Шерзод МИРЗАҲАКИМОВ, Фаргона вилояти маъмурий суди раиси

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, иш бўйича судьянинг ҳолислигига нисбатан шубҳа туғилса, тарафлар уни рад қилишни сўрашга ҳақлими? Бу қандай асосларга кўра амалга оширилади?

Қ. ҚОДИРЖОНОВ,

Анджсон вилояти

— Ҳа, тарафлар судьяни рад қилишни сўрашга ҳақли. Буни иқтисодий судлар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, амалдаги Иқтисодий процессуал кодекснинг 20-моддасига асосан, судья куйидаги ҳолларда ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим, агар у:

1) мазкур иш илгари кўрилганда судья сифатида иштирок этган бўлса ва ишни кўришда унинг такрорий иштирок этишига ушбу кодекс талабларига мувофиқ йўл қўйилмаса;

2) мазкур иш илгари кўрилганда унда ҳакамлик суди судьяси, арбитр, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса;

4) ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

5) ишни кўраётган ҳайъат таркибидеги судьянинг қариндоши бўлса.

Бундан ташқари Иқтисодий процессуал кодексининг 22-моддасига мувофиқ, ушбу кодекснинг 20 ва 21-моддаларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби ва таржимон ўзини ўзи рад қилиш ҳақида арз қилиши шарт. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан ҳам шу асосларга кўра, уларни рад қилиш ҳақида арз қилиниши мумкин. Прокурорни, экспертни, му-

тахассисни, суд мажлиси котибини, таржимонни рад қилиш суднинг ташаббуси билан ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 22-моддасига биноан рад қилиниши тўғрисида ариза берилган тақдирда, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг, шунингдек, агар рад қилиниши талаб этилаётган шахс тушунтириш беришни хоҳласа, унинг фикрини эшитади.

Ишни яқка тартибда кўраётган судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала суднинг раиси, бир таркибли судда эса, шу судья томонидан ҳал қилинади.

Иш ҳайъат таркибидеги кўрилатган судьянинг раид қилиш тўғрисидаги масала рад қилиниши талаб этилаётган судьянинг иштирокисиз суд таркибининг кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Рад қилиш ёкила ва унга қарши берилган овозлар сони тенг бўлиб қолса, судья рад қилинган ҳисобланади.

Бир нечта судьяни ёки ишни кўраётган суднинг бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, суд таркиби томонидан оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котибининг ва таржимоннинг ўзини ўзи рад қилиши ёки уларни рад қилиш тўғрисидаги масала ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Судьянинг ўзини ўзи рад қилиш тўғрисидаги масала ушбу моддада назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал этилади.

Рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

— Айтинг-чи, иқтисодий суд томонидан иш юритишга қабул қилинган иш ушбу судга тааллуқли эмаслиги аниқланса, бошқа судга қайси асосларга кўра ва қандай тартибда ўтказилади?

Д. ШОКИРОВ,

Қашқадарё вилояти

— Агар ишни кўриб чиқиш жараёнида низо иқтисодий суд ваколатига кирмаслиги, балки фуқаролик, маъмурий ёки жиноят ишлари бўйича судга тааллуқлиги аниқланса, иқтисодий суд иш юритишнинг давом эттирмайди. Бундай ҳолда суд ишни тугатиш ёки аризани рад этиш эмас, балки иш материалларини тааллуқли судга ўтказиш ҳақида ажрим чиқаради. Ажримда қайси суд ваколатли экани аниқ кўрсатилади. Хусусан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 39-моддасига асосан, суд томонидан судловга тегишлилик қоидаларига риоя этилган ҳолда ўз иш юритишга қабул қилиб олинган иш, гарчи кейинчалик бошқа суднинг судловига тегишли бўлиб қолса ҳам, ўзи томонидан мазмунан кўришни керак. Суд ишни

куйидаги ҳолларда бошқа судга ўтказилади, агар:

1) иш судловга тегишлилик қоидаларини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судга кўриш чоғида маълум бўлса;

2) бир ёки бир нечта судья рад қилганидан кейин уларни мазкур судда алмаштириш мумкин бўлмай қолса, шунингдек, ишни ушбу судга кўриш мумкин бўлмай қолган бошқа ҳолларда ишни бошқа судга кўришга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Ажрим чиқарилган кейин иш материаллари билан бирга қўшиб бошқа судга юборилади. Тааллуқли суд ишни умумий қоидалар асосида кўриб чиқади, даъво аризаси қайтадан топширилган деб ҳисобланмайди ва процессуал муддатлар сақланган ҳолда иш юритиш давом эттирилади.

Саволларга Тошкент туманларо иқтисодий суди судьяси Шоира ЭРМЕТОВА жавоб берди.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2313-6323



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: G-215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 6 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6591
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21³⁰. Топширилди: 22³⁰.